

# МУГАЛЛИМ ҲӘМ ҮЗЛИКСИЗ БИЛИМЛЕНДИРИҮ



ISSN 2181-7138

№ 6/5 - 2022 жыл

## Илимий-методикалық журнал

**Редактор:**  
*A. Тилегенов*

**Редколлегия ағзалары:**  
Мақсет АЙЫМБЕТОВ  
Нағмет АЙЫМБЕТОВ  
Байрамбай ОТЕМУРАТОВ  
Алишер АЛЛАМУРАТОВ  
Дилшодхұја АЙТБАЕВ  
Мариғжон АХМЕДОВ  
Гулзада БАЙМУРАТОВА  
Фархад БАБАШЕВ  
Дилдора ДАВРОНОВА  
Мәмбет ҚУДАЙБЕРГЕНОВ  
Мырзамурат ЖУМАМУРАТОВ  
Уролбай МИРСАНОВ  
Даврон ИСМОИЛОВ  
Бахтиёр РАХИМОВ  
Раънохон ОРИПОВА  
Арзы ПАЗЫЛОВ  
Джавдод ПҮЛАТОВ  
Тажибай УТЕБАЕВ  
Амина ТЕМИРБЕКОВА  
Саодат ТОШТЕМИРОВА  
Нурзода ТОШЕВА  
Ризамат ШОДИЕВ  
Сурайе ШАРИПОВА  
Зафар ЧОРШАНБИЕВ  
Дўстназар ХИММАТАЛИЕВ  
Гулрухсөр ЭРГАШЕВА

**Шөлкемлестириүшилер:**  
**Қарақалпақстан Республикасы**  
**Халық билимлендириү**  
**Министрлігі, ӨЗПИИИ**  
**Қарақалпақстан филиалы**

**Өзбекстан Республикасы**  
**Министрлөр Кабинети**  
**жанындағы Жокарғы**  
**Аттестация Комиссиясы**  
**Президиумының 25.10.2007**  
**жыл (№138) қаравы менен**  
**дизимге алынды**

**Қарақалпақстан Баспа сөз ҳәм**  
**хабар агентлиги тәрепинен**  
**2007-жылы 14-февральдан дизимге**  
**алынды №01-044-санлы гүйалық**  
**берилген.**

**Мәнзил:** Нөкис қаласы,  
Ерназар Алакөз көшеси №54  
Тел.: 224-23-00  
e-mail: uzniipnkkf@mail.uz,  
mugallim-pednauk@mail.uz  
[www.mugallim-uziksiz-bilim.uz](http://www.mugallim-uziksiz-bilim.uz)

Журналга келген мақалаларға жоғуп қайтарылмайды, журналда жәрияланған мақалалардан алынған үзиндер «Мугаллим ҳәм үзликсиз билимлендириү» журналынан алынды, дең көрсетилүү шарт. Журналға 5-6 бет көлемдеги материаллар еки интервалда TIMES NEW ROMAN шрифтінде электрон версиясы менен бирге қабыл етіледи. Мақалада көлтирилген мәлімдемелер автор жүзінде.

## МАЗМУНЫ

### ТИЛ ҲЭМ ӘДЕБИЯТ

Azimova U. Chet tilini o'qitishning amalii maqsadlari .....	4
Abduvaliyeva Z. O'zbek tilshunosligida till va tafakkur tushunchalari .....	6
Salimova D. O'zbek adabiyotshunosligida taxlil va talqin .....	10
Tuxtayev O. O'qish va ona tili savodxonligi darslarida milliy qadriyatlarni singdirish .....	14
Махмудова Н. Хорижий тилларни ўқитиш методикаси таснифи .....	18

### ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

Бобоҷонов Ф., Қодиров Қ. Олий таълимда гоявий тарбия орқали талабалар имижини шакллантириш тамоӣиллари .....	22
Алибеков Д., Абдуракибова Д. Таълимнинг инновацион ёндашув ва модернизацияга асосланган стратегияси .....	27
Азамов Ж. Олий таълим муассасалари бошқарувига академик ва молиявий автономия тамоӣилларни жорий этишига доир тажриба-синов ишларининг самарадорлиги .....	32
Чориева З. Олий таълим муассасасидаги бўлажак ўқитувчиларда касбий сифатларини ривожлантириш .....	35
Хўжаев А., Рахматов А. Иктидорли ўқувчилар билан ишланинг концептуал асослари ..	40
Хамраева А. Рефлексив мониторинг асосида талабаларининг касбий компетенсияларининг шакллантиришнинг педагогик аҳамияти .....	44
Мамараҳимов А. Олий таълим муассасаларида иктидорли талабалар билан ишлаш фаолиятини тақомиллаштириш .....	47
Adizova N., Temirova K. O'quvchilar kasbiy nutq kompetensiyasini takomillashtirishning pedagogik aspektlari .....	50
Temirov N. Kooperativ ta'lif asosida talabalarda kreativ qobiliyatni rivojlanitarish .....	54
Suvankulova Sh. Harakat-tayanch a'zolari jarohatlangan maktabgacha yoshdag'i bolalar nutq va harakatdagi kamchiligini korreksiyalashda samaradorlikka erishish .....	58
Meliev X. Xalq pedagogikasida yoshlarni tarbiyalashning metod, usul va vositalar .....	62
Boltayeva B., Tojiboyeva X. Tabiatshunoslik fanidan dars ishlansmasi tayyorlashning ilmiy metodologik asoslari ("Sezgi organlari yordamida mevalarni o'rGANAMIZ" mavzusi misolida) .....	66
Mamatqulova U. Technologies of formation of students' communicative competence based on interdisciplinary integration .....	69
Abilov M.N. Pedagogical prerequisites for the formation of musical thinking in students .....	72
Giyosova S. Management of group work as a classroom activity .....	75
Yuldashev E. Pedagogical system of improvement of suggestive skills in future teachers .....	80

### МИЛЛИЙ ИДЕЯ ҲЭМ РУЎХЫЙЛЫҚ ТИЙКАРЛАРЫ, ТАРИХ, ФИЛОСОФИЯ

Каримов Д. Соғлом инсон -жамиятнинг бебаҳо бойлиги .....	84
Муродова Д. Бўлажак мусика таълимни ўқитувчиларини тайёрлаш тизимини тақомиллаштиришнинг назарий асослари .....	86
Нишанбеков Т. Тасвирий санъатни ўқитиш жараёнida узлуксиз ва узвийлигини таъминлашда педагогик муаммолар .....	90
Narzullaeva B. Mahallarda millatlارaro do'stlik aloqalarini rivojlanitarishning dolzarbligi .....	94

## ФИЗИКА, МАТЕМАТИКА, ИНФОРМАТИКА

<b>Нўймонова С.</b> Курилиш материаллари ва буюмлари фанини ўқитиши жараёнида мультимедия технологияларидан фойдаланиш .....	99
<b>Мавлонов Р.</b> Интеграцион ўқитиши асосида касбий компетентлик таркибий кисмларини ривожлантириш .....	102
<b>Мустафакурова Д.</b> Тизимли тафаккурнинг хусусиятлари .....	105
<b>Бегматова Н.</b> Мультимедия технологиясидан мактабгача таълимда фойдаланиш .....	109

## БАСЛАЎЫШ КЛАСС, МЕКТЕПКЕ ШЕКЕМГИ ТӘРБИЯ

<b>Абдуллаева Н., Ризаева Г.</b> Кластерли ёндашув асосида олий таълим муассасалари ва мактабгача таълим ташкilotлари ҳамкорлигини такомиллаштириш .....	116
<b>Aralova I.</b> Maktabgacha ta'lim tashkilotida tasviriy faoliyatning mashg'ulot turlari va mazmuni .....	120
<b>Bultakova R.</b> STEAM tehnologiyalari maktabgacha ta'lim tizimini takomillashtirish yo'lida ..	124
<b>Хамроева Э.</b> Мактабгача таълим педагог-тарбиячиларида нуткий компетенцияларини такомиллаштиришнинг педагогик ахамияти .....	127
<b>Idiyeva G.</b> Boshlang'ich sinflarda hikoya o'rnatishning pedagogik-psixologik va didaktik imkoniyatlari .....	130
<b>Куттибекова Г.</b> Арт-педагогик технологиялар воситасида бошлангич синф ўқувчиларини эстетик тарбиялаш .....	135
<b>Raxmonqulova X.</b> Maktabgacha yoshdag'i bolalarini xalq og'zaki ijodi bilan tanishtirish orqali monologik nutqni shakllantirish .....	139
<b>Матунаева Ш.</b> Бошлангич синф ўқитувчиларини инклузив таълимга тайёрлашда андрогоник тамоилиллар .....	143

## ФИЗИКАЛЫҚ ТӘРБИЯ ХƏМ СПОРТ

<b>Xoliqov F.</b> Maktabgacha ta'lim yoshidagi bolalarning jismoniy tarbiya va sport musobaqalariga qiziqitirishning ahamiyati .....	147
<b>Shomurzayeva N.</b> Turizm va sport uyg'unlik jarayonida jamiyatdagi roli .....	151
<b>Қаюмов Ш. А.</b> Бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларининг касбий компетентлигини такомиллаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари .....	154
<b>Мирзаев А. М.</b> Механизмы обучения курсантов борьбе на поясах на основе классстерного подхода в военноназированных учебных заведениях .....	157
<b>Eshbaev X. Payzullayev Z. Jaynarov B. Xoldorova M.</b> Methodology of using national action games in school physical education lessons .....	159
<b>O'rалов J.</b> Development of women's football in our country .....	162

bolaning individualligini hisobga olgan holda, uning nutqiga ta'sir ko'rsatishning eng samarali yo'llarini tanlashi lozim.

Maktabgacha ta'limga tashkiloti tarbiyalanuvchilarida nutqi munosabatga kirishish malakasini hosil qilishda guruhda, asosan, badiiy adapbiyot mashg'ulotlarida, shu bilan birga yozuv mashqlarida ham va guruhdan tashqari ishlarni tashkil qilishning nutq o'stirish bolalarni hikoya qilishga o'rgatishda roli kattadir. Bu o'rinda ham tarbiyachining erkin hamda aniq – ravshan nutqi bolalar nutqi va tafakkurini rivojlantirishning birinchi darajali muhim shartlaridan hisoblanadi.

Adabiyotlar:

1. Qodirova M.R., Qodirova F.R. Bolalar nutqini rivojlantirish nazariyasi va metodikasi. Toshkent, 2006 yil. 34 b.
2. Jo'raqulov R. To'xtayeva Sh. "Maktabgacha ta'limga muassasalarilarning kichik guruhlarida bolalar nutqini o'stirish bo'yicha uslubiy tavsisiylar" Samarqand, 1991 yil. 17 b.
3. Shodiyeva Q. Maktabgacha yoshdagi bolalarni to'g'ri talaffuzga o'rgatish. Toshkent, 1995 yil. 174 b.
4. Qodirova F.R. - Bolalar nutqini rivojlantirish nazariyasi va metodikasi ruhiy omillari. O'quv qo'llanma - T.: "Istiqlol", 2006 y.
5. <https://fl.jdpu.uz/index.php/fl/article/download/1275/895/3230>
6. <https://fayllar.org/bitiruvchisi-asqarovar-shohistaning.html?page=4>

РЕЗЮМЕ

Ushbu maqolada maktabgacha yoshdagagi bolalarni xalq og'zaki ijodi bilan tanishtirish va bu orqali ularning monologik nutqini shakllantirishning nazariy jihatlarini tahlil qilingan. Bundan tashqari ushbu maqolada bolalarning nutqini o'stirishning tarbiyachining ishtiroki va vazifalarini haqidagi ham so'z boradi. Maqola mavzusini ochib berish maqsadida xorijlik olimlarning ilmiy tadqiqot ishlamalaridan foydalanildi.

РЕЗЮМЕ

В данной статье анализируются теоретические аспекты приобщения дошкольников к фольклору и формированию через него их монологической речи. Кроме того, в данной статье также говорится об участии и обязанностях воспитателя в развитии речи детей. Для раскрытия темы статьи использованы научные разработки зарубежных ученых.

SUMMARY

This article analyzes the theoretical aspects of introducing preschool children to folklore and forming their monologic speech through it. In addition, this article also talks about the participation and duties of the educator in the development of children's speech. In order to reveal the topic of the article, the scientific research developments of foreign scientists were used.



## БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМГА ТАЙЁРЛАШДА АНДРОГОГИК ТАМОЙИЛЛАР

*Матунаева Ш.*

*Чирчиқ давлат педагогика университети Бошлангич таълим факултети*

**Таянч сўзлар:** инклюзив, инклюзив таълим, дастур, тамойил, андрогогик, инклюзив компетентлик

**Ключевые слова:** инклюзивное, инклюзивное образование, программа, программа, андрогогика, инклюзивная компетенция.

**Key words:** inclusive, inclusive education, program, program, androgogic, inclusive competence.

Мамлакатимизда инклюзив таълимни таълим олувчиликнинг ижтимоий эҳтиёjlари ва шахсий манбаатларидан келиб чиққан холда, фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг мустаҳкам интеграциясини таъминлаш асосида ташкил этишининг хукукий меъёрлари ишлаб чиқилган. "Алоҳида таълим эҳтиёжи бўлган болалар учун инклюзив таълимни ташкил этиши мақсадида таълим муассасалари моддий техника базасини мустаҳкамлаш, ўкув дастурларини адаптивлаштириш, соғломлаштирувчи



*I-расм. ПТИК шароитида инклюзив таълимга ўқитувчиларни тайёрлашнинг андрогогик тамойиллари*

таълимга тайёрлашда андрогогик тамойилларга устуворлик берилди.

Педаголар малакасини ошириш жараёнини ПТИК доирасида моделлаштиришда ўқитувчиларнинг инклюзив компетентлик даражасини ошириш имконини берувчи педагогик тамойилларга: узлуксизлик, диверсификация, синергетика, партисипативлик, педагогларнинг касбий тайёргарлигини рефлексив бошқариш, коммуникатив шерпилек ва ҳамкорлик, фасилитацияга таяниш зарурлиги аникланди.

Узлуксизлик тамойили ПТИК шароитида ўқитувчиларни инклюзив таълимга тайёрлашнинг энг муҳим тамойили ҳисобланади. Ушбу тамойил таълим тизимининг ҳамма бўғинларида кўлланилувчи интегратив ёндашувлардан фойдаланган ҳолда ижтимоий маданий тажрибани мақсадга йўналтириши имконини беради. Бунда касбий ривожланишининг барча элементларини интеграллаштириш, бирлаштириш, уларни яхлитликада кўллаш орқали турли мухиттага осон кўникиш имконини берувчи тизимликига эътибор каратилиади.

Диверсификация тамойили. Касбий ривожланиш жараёнида ҳар бир субъекттинг илгариаб кетишини диверсификация тамойили таъминлади. Унинг асосида бошланғич синф ўқитувчининг касбий харакатчанлигини ва янги, истикболли технологияларни ўзлаштиришга тайёрлигини шакллантирувчи хилма хил фоялар ётади.

Педаголар узлуксиз малакасини оширишнинг синергетик тамойили ўқитувчининг ўзини ўзи ривожлантириш ва ўз шахсий ва касбий фаолиятини ташкил килишида билим ва шахс манфаатларнинг субъективлигини тан олишга асосланади.

Партисипативлик тамойили узлуксиз таълим кластери шароитида шахснинг индивидуал таълим йўналишини танлаш жараёнини ташкил қилувчи ажralmas таркибий кисм бўлиб, “андрогог-фасилитатор” ролидаги тингловчиларнинг субъект-субъектли ўзаро боғлик фаолиятини назарда тутади.

Педаголарнинг касбий тайёргарлигига рефлексивлик тамойили ўқитувчи билан тингловчиларнинг диалогини ҳамда ўзаро боғлик фаолиятни таъминлади. Бунда касбий мулоқотлар рефлексив жараёнлар кўринишидаги амалга оширилади.

Коммуникативлик ва ҳамкорлик тамойили таълим олувчилар ва ўқитувчиларнинг ўзаро ишончли ва ёрдамли, ўзаро масъулиятли муносабатларини ривожлантиришни кўзда тутади. Таълим олувчига мустақиллик, ташабbus ва натижа учун шахсий масъулиятни намоён қилиш учун имконият бериш фоясига таянади.

сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш ҳамда бу жараёнга мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш” каби муҳим вазифалар белгиланди.

Бошланғич таълимда ўқитиш сифатини яхшилаш, ўкувчиларнинг имкониятларига мос, давлат таълим стандартлари меъёрлари инобатга олинган ўкув мухитини самарали ташкил этиш, бу жараёнда ташкилотлар ва жамоат институтлари ҳамкорлигини кучайтириш янада муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бошланғич синф ўқитувчиларини малака оширишнинг турли шакллари (бевосита ва билвосита)да инклюзив

Фасилитация тамойили таълим олувчиларда мустақилликни, ҳәстий вазиятлар муаллифи ва ижодкори бўлишни англашга шароитни яратишни кўзда тутади. Бу тамойилнинг асосий гояси таълим олувчининг ижодий имкониятларига сужниш, унга самимий ишонч, унинг ўзини намоён килишга, ўзини ривожлантиришга интилишини кўллаб-кувватлашдан иборат. Фасилитация тамойили таълим жараёни компонентларига синергетик таъсир ўтказади ва узлуксиз касбий ривожланиши шароитидаги зиддиятларни ҳал килишга, когнитив хар хилликнинг таъсирини камайтиришга йўналтирилади.

Андрогогик ёндашувни амалга ошириш катта ёшдагилар таълими технологиясини ишлаб чиқиши, ўкув жараёнини ташкил қилишнинг тегишли шакллари, методлари, воситалари ва усусларини танлашни талаб киласди.

Катта ёшдагилар таълимини амалга оширишда биз қуидаги йўналишлардаги вазифаларга устуворлик бердик:

таълим олувчиларнинг таълим жараёнини режалаштиришга жалб этиш;

таълим жараёнини баҳолаш ва коррекциялаш бўйича амалиётчи-ўқитувчиларнинг реал таклифларини иносабатга олиш;

амалиётчи-ўқитувчиларнинг мустақил фаолиятларига кенг имконият яратиш, ижодий эркинликка устуворлик бериш;

амалиётчи-ўқитувчиларни муйяян ҳәстий вазиятлар, муаммоларни ечишга ва таълим мақсадларини амалга оширишга йўналтириш.

ПТИК доирасида амалиётчи-ўқитувчиларнинг таълимий фаолигини касбий ривожланиши жараёнида таъминлаш самарадорлиги қуидаги педагогик шартларни амалга ошириш орқали таъминланади:

“Курс тингловчи-ўқитувчилар томонидан индивидуал таълим йўл харитасининг танланиши; инклузив ўкув мухитини лойиҳалаш технологиялари модификацияларини ўзлаштириш учун ахборотли мухитнинг яратилиши; таълим берувчи билан таълим олувчининг курслар оралиғидаги даврда ўзаро тенг муносабатли диалогли фаолиятини амалга ошириши.

ПТИК шароитида биз томондан амалиётга андрогогик ёндашув сифатида “Шахсий тажрибалар таҳлили” методига устуворлик берилиди. Натижада кластер субъектлари ўргасида бошлангич синф ўқитувчиларининг индивидуал муваффакиятлари кенг тарғиб этилишига эришилди.

Таълимнинг ўкув-методик шароитлари катта ёшдаги таълим олувчиларнинг индивидуал хусусиятларини хисобга оладиган ўкув-методик материаллардан фойдаланишини назарда тутади. Кўлланиладиган ўкув-методик материаллар тушунарлилик, илмийлик, тизимлилик ва изчилликни, мунтазам ўзини тақомиллаштириш, ўзини ривожлантириш ва мустақил ўқишига бўлган эҳтиёжни таъминлаши лозим.

ПТИК шароитида ўқитувчиларни инклузив таълимга тайёрловчи қуидаги субъект фаолиятлари талаб этилди. Улар:

1. Мактабгача таълим ташкилотлари. Бу тизимнинг инклузив таълимга алоқадорлиги мактаб таълимига болаларни комплекс тайёр бўлиб келиши билан тавсифланади. Агар соглом болалар каби имконияти чекланган болаларни ҳам мактабга нуткӣ, академик, руҳий ва жисмоний ҳамда ижтимоий жиҳатдан тайёр бўлишига эришилса, шунчалик ўкувчи сифатида мазкур болалар фанларни ўзлаштиришга тайёр бўладилар.

2. Умумтаълим мактаблари. узлуксиз таълим бўғинлари орасида узоқ муддатни ўз ичига олганлиги сабабли бу давр Инклузив таълимнинг самарадорлигини таъминлашда мухим ҳисобланади. Мактаб таълимининг дастлабки даври бу, бошлангич

таълим даври бўлиб, уни ташкил этувчисли-ўқитувчилар зиммасига ижтимоий буортмани бажаришдек катта вазифа юкланди. ПТИК айнан ижтимоий буортма кўлами ва моҳиятини ўқитувчиларга етказишда қулай мухит саналади. Чунки болани мактабга ойлб келган ота ёки она албатта, мактаб таълимини назорат қилишга киришади. Таълимнинг ўз фарзанди учун қулайлигини тезкор таҳлил қиласди. Бу билан кластер субъектлари сифатида жамият аъзолари ҳам таълим сифатини баҳолашда иштирок этади.

3. Ўқитувчиларни инклузив таълимга тезкор тайёрлаш, инновацион ёндашувларни амалиётга татбиқ этишда мухим бўғин бу, малака ошириш тизимиdir. Малака ошириш курсларига ўқишга келган амалиётчи-тингловчилар ўз қасбий ривожланиш харитасини тузадилар. Харита бандларида ижтимоий буортма талаблари акс этади. Мазкур таълим жараёнда адрогоник иш шаклларидан фойдаланилади. Улар: тақдимотлар, видеодарслар, вебинарлар, мастер класслар. Санаб ўйтлагн иш шаклларининг самарадорлигини таъминлашда ахборот мухити зарурдир. Шундагина амалиётчи-тингловчилар жараёнда фаол иштирок этадилар. Тингловчилар фаоллигини таъминловчи компьютер, мультимедиа ва овоз кучайтиргич курилмалар мавжудлиги ҳам инклузив таълимга ўқитувчиларни самарали тайёрлаш имконини беради.

Хулоса килиб шуни айтиш мумкинки, ПТИК инклузив таълимни самарали ташкил этишда комплекс имкониятга эгадир. Уни ҳам шароит, ҳам механизм, ҳам мухит сифатида тавсифлаш мумкин.

#### Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги ЎРК-637-сон Конуни. Тошкент ш., 2020 йил 23 сентябрь, Конун хужжатлари маълумотлари миллӣ базаси, 24.09.2020 й., 03/20/637/1313-сон.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. // Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

3. Акбаров Б. Кластер тизими умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларида қасбий тафаккурни шакллантиришини асосий омили сифатида // Халқ таълими. 2019. № 4. –Б. 106..

4. Мухамедов Г.И. Педагогик таълим инновацион кластери: эҳтиёж, зарурат, натижা // “Халқ сўзи” 15 февраль 2019 йил. <http://xs.uz/uzkr/post>.

#### РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада бошлангич синф ўқитувчиларини инклузив таълимга тайёрлашда андрогогик тамойиллар хакида сўз юритилган. Педаголар малакасини ошириш жараёнини ПТИК донрасида моделлаштириша ўқитувчиларнинг инклузив компетентлик даражасини ошириш имконини берувчи педагогик тамойилларга: узлуксизлик, диверсификация, синергетика, партисипативлик, педагогларнинг қасбий тайёргарлигини рефлексив бошқариш, коммуникатив шериклик ва ҳамкорлик, фасилитацияга таяниш зарурлиги очиб берилган.

#### РЕЗЮМЕ

В данной статье рассматриваются андрогогические принципы в подготовке учителей начальных классов к инклузивному образованию. Педагогические принципы, позволяющие повысить уровень инклузивной компетентности учителей в моделировании процесса подготовки учителей в рамках ПТИК: Выявлены преемственность, диверсификация, синергия, участие, рефлексивное управление профессиональной подготовкой педагогов, коммуникативное партнерство и сотрудничество, необходимость опираться на фасилитации.

#### SUMMARY

This article discusses androgogical principles in the preparation of elementary school teachers for inclusive education. Pedagogical principles that allow to increase the level of inclusive competence of teachers in modeling the process of teacher training within PTIK: Continuity, diversification, synergy, participation, reflexive management of professional training of pedagogues, communicative partnership and cooperation, need to rely on facilitation are revealed.